VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

34 (355) ● 2015 йил 26 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Ж**иззах вилоятида 13 минг партия аъзосини бирлаштирган 256 ЎзМТДП қуйи ташкилоти фаолият юритмоқда

**Х**алқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги партия гуруҳининг ташаббуси маҳалла тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади

**Қ**орақалпоғистон Республикасида ЎзМТДП аъзоларининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади




# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

## Эски шаҳарнинг замонавий қиёфаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди**

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланмоқда. Барча шаҳару қишлоқларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳолининг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда. Буни Нукус, Урганч, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг бугунги жамоли мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қуриб битказилди. Истиқлол йилларида шаклланган эзгу анъанага кўра, уларнинг аксарияти энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент — мамлакатимиз тимсоли, бетакрор Ватанимиз кўрку тароватн, мустақиллик йилларидаги тараққиётни ўзида мужассам этган азим пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган турар жойлар, ижтимоий объектлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларига қулай шароит яратмоқда.

Маълумки, асрлар давомида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида уйлар пала-партиш қуриб келинган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Одамларнинг муносиб турмуш кечириши учун мутлақо шароит йўқ эди. Бу ҳолат замонавий мегаполисга айланиб бораётган, автомобиллар сони тобора кўпаяётган пойтахтимиз қиёфасига ярашмай турган эди.

Президентимиз ғояси асосида Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, мазкур ҳудудни замонавий шаҳарга айлантириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

> 2-бет.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш,ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Ганиева Суйима Ганиевна** — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Мумтоз филология» кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

**Санакулов Кувондик** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори, Навоий вилояти

**Топволдиев Таваккал Темирович** — «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси

**Ҳосилов Аваз** — Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 август



Ганиева Суйима Ганиевна



Санакулов Кувондик



Топволдиев Таваккал Темирович



Ҳосилов Аваз

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ҚАРОРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2015 йил 29 август шанба дам олиш куни 2015 йил 31 август душанба кунига кўчирилсин;

2015 йил 29 август шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 август

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:*

**"Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"**

**Тошмуродов Маҳамадёр Эргашевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори

**"Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"**

**Азизов Мирзажон Мамажонович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Алимов Самандар Чориевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Усмонов Рамиз Бекназарович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**"Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"**

**Умиров Расул Қараевич** — Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги "Қудрат" фермер хўжалиги ишчиси, бахши

**"Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"**

**Иноғомов Ҳакимжон Ёқубович** — "Устазода" халқ санъати усталари корхонаси ганчкор устаси

> 3-бет.

Ўқув-семинар

## ЎзМТДП хотин-қизлари

**партия дастурий мақсад-вазифаларининг фаол тарғиботчиси**



*Мустақиллик мамлакатимиз хотин-қизларига ўз истеъдоди ва салоҳиятини кенг намоён этиш имконини берди. Юртимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсатининг изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани самарасида аёлларнинг давлат ва жамият ишидаги иштироки кучайди. Бу борада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса уларнинг ҳуқуқ ва манфаатини таъминлаш, жамиятдаги мавқеини янада оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир.*

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



MILLIY TIKLANISH
34 (355) 2015 йил 26 август, чоршанба

# Эски шаҳарнинг замонавий қиёфаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди**



< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. Жорий йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этиш, аҳолининг яшаши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Ушбу тавсиялар асосида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини енгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди. Бугунги кунда Нурафшон кўчаси бўйида кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Президентимиз янги қурилган мазкур турар-жой биноларини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар-жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерда 160 хонадондан иборат бешта беш қаватли уй қуриб битказилди. Йил охиригача фойдаланишга топшириладиган 246 хонадонли яна ўнта турар-жой қурилиши давом этмоқда.

Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Инсонларга ҳар томонлама қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор уйларнинг зинасидаёқ кўзга ташланади. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ҳар бир зинапоянинг баландлиги одатдаги 15 сантиметрдан 12 сантиметрга, нишаблиги 27 градусдан 21 градусга пасайтирилган. Бу одамлар, айниқса, кексалар учун катта енгиллик яратган.

Уйлар бир, икки, уч ва тўрт хонали қилиб қурилган. Хонадонлар кенг ва ёруғ. Масалан, икки хонали уйнинг умумий майдони 70-80, уч хоналиники 90-100 квадрат метрни ташкил этади. Шифтларнинг баландлиги 3 метр бўлиб, бу уларнинг баҳаво бўлишини таминлайди. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси яшаш ва фойдаланиш учун ҳар томонлама қулай.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

Турар-жойларни қуришда инсон манфаатларини инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислом Каримов. Унда яшайдиганлар ҳаётидан рози бўлиб яшасин. Айниқса, аёлларимиз учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш даркор.

Хонадонларни жойлаштиришда ҳам халқимизнинг турмуш тарзи, оилалар таркиби инобатга олинган. Президентимизнинг тавсиясига биноан ҳар бир уйнинг биринчи қаватида кексалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар ва уларнинг рўпарасида фарзандлари учун 3-4 хонали хонадонлар қурилган.

Табаррук қарияларимиз доимо фарзандлари ёнида бўлишини хоҳлайди. Шу жиҳатдан, ёш оила ва кексаларимиз учун алоҳида ҳамда ёнма-ён хонадонлар ташкил этганимиз барчага маъқул келади. Нуроний отахону онахонлар фарзандлари, набираларидан, улар ҳам ўз ота-оналари ҳолидан хабардор бўлиб туради, бир ҳовлида яшагандек хотиржам ҳаёт кечиради, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурининг тушишигача ҳисобга олинган. Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти илмий ходимлари томонидан йил ва кун давомида қуёш ҳудуднинг қайси нуқталари устидан ўтиши аниқланган. Шунга асосан уйлар қуёш нури хоналарга 2,5-3 соат тушадиган қилиб жойлаштирилган. Бу ёзда уйнинг исиб кетмаслиги, қуёш жанубда бўлган қиш мавсумида эса уларни иситишни таъминлайди.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини индивидуал бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралиқ масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шамол айланишини яхшилайди.

Турар-жойлар орасида майсазорлар барпо этилган. Манзарали дарахтлар, райҳонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари турар-жойларда аҳоли учун қулайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тавсиялар берди.

Халқимиз ҳар соҳада улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда. Одамларимиз мана шундай обод ва замонавий уй-жойларда яшамоқда. Ҳамма ишларимиздан мақсад-муддао ҳам аслида шу — одамларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришдир, деди Президентимиз.

Истиқлол берган имкониятларнинг амалий ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**



*ЎзА суратлари.*

Форум

# Аёл эъзоз топса, турмуш ободдир



***Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш, муносиб таълим, меҳнат, турмуш шароитларини яратиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар изланувчан, билимдон ва ўз касбининг устаси бўлган хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам хотин-қизларнинг жамиятни модернизациялаш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқимизнинг урф-одатларини асраб-авайлаш ва бойитишга ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида қарайди. Бу орқали партия хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида муносиб иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаётир.

Бу борада ЎзМТДПнинг анъанавий "Фаол хотин-қизлар — жамиятимиз асоси", "Мустақиллик — буюк неъмат", "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари", "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" каби танлов, форум ва фестиваллари аёлларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда. Шунингдек, ЎзМТДПнинг урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, навқирон авлодни тарбиялашга қаратилган қатор лойиҳалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида ЎзМТДП Марказий кенгаши "Аёллар қаноти" ва партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида хотин-қизлар форуми ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, иқтидорли қизлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган юксак эътибор уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширмоқда, — деди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов. — Буни қорақалпоғистонлик хотин-қизлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Улар партиямиз ташкил этаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этмоқда. Шу маънода бугунги форум улар учун чинакам байрамга айланди. Бу, айниқса, ҳунармандларимизга унутилмас завқ берди. Чунки улар тайёрлаган маҳсулотлар форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Анжуман, айниқса, ёш ҳунармандлар учун ҳақиқий маҳорат мактаби вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Адабиёт, санъат ва спорт соҳасида муваффақиятга эришган қорақалпоқ ёшларининг доно ва билимдонлиги, ўз кучига ишончини кўриб, юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканига яна бир карра амин бўлдик.

Тадбир доирасида иштирокчиларга мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, бандликни таъминлашга оид дастурлар ижроси самарасида аёллар, касб-ҳунар коллежларини битирувчи қизлари учун минглаб янги иш ўрни яратилаётгани, ўз хусусий бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, истеъдодли қизлар учун таъсис этилган стипендия ва Давлат мукофотлари ҳақида кенг маълумот берилди. Бу эътибор замирида юртимиз ёшларини ҳеч кимдан кам бўлмаган, интеллектуал салоҳиятли, истиқлол ғояларига садоқатли, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мужассам экани эътироф этилди.

Тадбир якунида бир гуруҳ фаол ва иқтидорли хотин-қизлар ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.



***Баҳамдулла НУРАБУЛЛАЕВ,***
***Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари:***

— ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида партия аъзолари салкам 15 минг кишини ташкил этади. Шундан 45 фоизи хотин-қизлардан иборат. Улар партиянинг турли тадбирларида, айниқса, маҳаллаларда партия сайловолди Платформаси тарғиботида фаоллик кўрсатишмоқда. Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес ва маҳаллий Кенгашларга хотин-қизлардан сайланган депутатларимиз сафи ҳам анча кенгайган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 4, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига 25 депутат хотин-қизлар орасидан сайланган. Бу уларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш, маҳаллий Кенгашларга ташаббус-масала олиб чиқиш ва шу орқали электоратимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим восита вазифасини ўтамоқда. Галдаги вазифамиз бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишдан иборат.

***Шаҳзода БОЗОРБОЕВА,***
***Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:***

— Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида фаолликка даъват этувчи, ёрқин келажак сари руҳлантирувчи, она юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган бугунги форум менда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар ёшларни бир-бирига яқинлаштиради, фидойиликка, дўстликка, ҳамжиҳатликка чорлайди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг эртанги куни, порлоқ истиқболи учун масъулиятни чин дилдан англаш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Тадбирда иштирок этган ёшларнинг елкама-елка, Ватан ҳақида жўр бўлиб қўшиқ куйлаётганини кўриб, уларнинг вакили сифатида шундай юртда туғилганимдан, шу Ватанда камол топаётганимдан фахр-ифтихор туйдим. Чунки бундай тадбирлар Ватанни шарафлаш, унинг равнақи учун меҳнат қилиш олий мақсади ва орзуси бўлган барча тенгдошларимни ягона мақсад сари бирлаштиради. Турли иллатларга қарши кураша оладиган, мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятли бундай ёшлар мамлакатимиз келажагидир.

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Излаган имкон топади

## бу — қуйи бўғинлар фаолиятининг бош мезонига айланмоғи лозим

— Юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, барча соҳада муваффақиятга эришиш учун инсон, энг аввало, соғлом бўлиши керак, — дейди Хўжаобод туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси қошида ташкил этилган қуйи бўғин етакчиси Шодликой Солиева. — Бу, айниқса, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари сирасига киради. Фарзандларимизни маънан етук, интеллектуал салоҳиятли, иймони бутун, иродаси бақувват қилиб тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларни аҳоли орасида изчил тарғиб қилиш ва унга кўмаклашиш фаолиятимизнинг бош мезонидир. Хайрихоҳлик билдираётган ёки аъзоликка қабул қилинаётганлар, энг аввало, партиямизнинг номланиши моҳиятига эътибор қаратишади. Бу бежиз эмас. Чунки халқ қадди ва қадрининг тикланиши мамлакат тараққиётига йўл очади. Мустақил тараққиёт йиллари амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг дунё саҳнидан муносиб ўрин олиши, халқимизнинг фаровон, тўкис яшаши учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ҳеч шубҳасиз, маънавият масаласига бўлган юксак эътибор самарасидир.

Қуйи бўғин етакчиси билан суҳбатлашиб, фаолияти билан яқиндан танишиб, унинг юқоридаги фикрлари самимий айтилаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Чунки у етакчилик қилаётган бошланғич партия ташкилоти сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Айни пайтда тумандаги 9 қишлоқ врачлик пункти қошида ҳам бошланғич партия ташкилоти ташкил қилинган. Ҳар бир бошланғич ташкилотга билимли, тажрибали ва фаол тиббиёт ходимлари етакчилик қилаётир. Улар орасида соғлом рақобат муҳитининг йўлга қўйилгани фаолият самарадорлигида муҳим аҳамият касб этаётир. Яқинда мазкур бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан бирлашма ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари қошидаги қуйи бўғинлар ўртасида "Маънавият маликаси" кўрик-танлови ўтказилди. Унда иштирок этган 8 маслакдошимиз қадим тарихимизга таалluқли ривоят ва ҳикматларни, аждодларимизнинг аёл, она ва соғлом оила бекаси сифатида қандай фазилатларга эга бўлгани, шу билан бирга ЎзМТДПнинг дастурий ғояларини ҳаётий мисоллар билан ифода этишди. Иштирокчиларнинг фақат соғлиқни сақлаш соҳасида эмас, балки оилада ҳам соғлом муҳит яратиш жараёнида ибрат ва намуна кўрсатаётгани танловнинг асосий ютуғи бўлди.

Қуйи бўғинда тиббиёт коллежларини тамомлаб, қишлоқ врачлик пунктларига ишга келаётган ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ҳам тажрибали тиббиёт ходими, ҳам қуйи бўғин етакчиси сифатида ўқув машғулотларини Шодликойнинг ўзи олиб боради. Машғулотларда ёшлар сиёсий, маънавий, тиббий йўналишда сабоқ оладилар. Машғулотлар учун ҳар ойда 12 кун ажратилган. Бу эса ўз-ўзидан қуйи бўғин сафида дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий билимлари юксак ва билимдон ёшлар фаолиятига кенг йўл очаётир.

Айтиш жоизки, қишлоқ врачлик пункти аҳоли кўп мурожаат қиладиган маскан ҳисобланади. ЎзМТДП қуйи бўғинларининг ана шундай масканлар қошида ташкил қилиниши партиянинг ўз электорати ва аҳоли ўртасидаги алоқа ва муносабатларини янада яқинлаштиради. Бугун туман соғлиқни сақлаш бирлашмасидаги қуйи бўғинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг 300 нафардан ошиши ҳам шундан далолат. Бундан ташқари, партияга хайрихоҳ, ЎзМТДП аъзоси бўлишга аҳд қилганлар ҳали анча.

Қуйи бўғин фаолияти билан танишиш учун борганимизда ташкилот етакчиси ҳудуд аҳолиси учун муҳим бўлган масалани ҳал қилиш ҳаракатида юрган экан.

— "Андижонсой" МФЙ маслаҳатчиси, партиямиздан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат ва Олий Мажлис Сенати аъзоси Тожибархон Йўлдошева билан учрашиб қайтяпман, — деди у. — Чунки "Кўприкбоши" МФЙ ҳудудидаги бир километрлик кўча сўнгги пайтда ёзда чанг, қишда лой ҳолатда бўлади. Кўчадаги электр симёғочларини ҳам алмаштириш зарурати мавжуд. Бу ҳолат, айниқса, мактабга қатнайдиган болалар учун қийинчилик туғдиради. Куни кеча бошланғич партия ташкилотимиз йиғилишида ана шу масалани муҳокама қилдик. Бугун эса ўз вакилимиздан бу масалани ҳал қилишга ёрдам беришини илтимос қилдик. Мурожаатимиз яқин кунларда ижобий ечим топиши шубҳасиз.

Ўрни келганда айтиш жоиз, партия Хўжаобод туман кенгаши тасаррўфидаги 29 бошланғич партия ташкилоти ҳам ана шундай фаоллик билан иш олиб бораётир. Шу боис вилоятда Хўжаобод туман партия ташкилоти фаолияти кўпчиликка намуна. "Манак", "Андижон" маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти қошида ташкил этилган қуйи бўғинлар фаолияти ҳақида ҳам фақат ижобий фикрларни билдириш мумкин.

Партия туман кенгаши раиси Адҳамжон Мадаминов ташаббуси билан тумандаги хорижий тиллар ўқув марказида ҳам бошланғич партия ташкилоти тузилди. Бундан аҳоли мамнун. Чунки ҳар бир ота-она келажакда фарзанди ўзидан ўзиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб ҳаётга кириб боришини хоҳлайди. Муҳими, улар баркамолликка интилишни умр мазмуни, деб билади. Бу ташаббус мана шу эзгу ният рўёби учун муҳим қадам бўлди. Бугун ўқув марказида ҳудуд ёшлари, туман кенгаши қошидаги қуйи бўғин фаоллари хорижий тилларни ўрганишмоқда.

Халқимизда излаган имкон топади, деган нақл бор. Бошланғич партия ташкилотлари доимий изланиш, изчил ҳаракатда бўлса, янги имконият ва ютуқлар қўлга киритилиши, энг асосийси, аҳолининг партияга ишончи янада ортиши шубҳасиз.

**Замира РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

**“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”**

**Холиқова Одинахон Носировна** — Фарғона вилояти Қува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**“Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи”**

**Эрматов Машраб Эргашевич** — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, ҳофиз

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”**

**Абдуллаева Раиса Ураимовна** — Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

**Галахов Олег Викторович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Давлатова Олеся Владимировна** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси артисти

**Жўраева Ёқутхон Маъмуровна** — Қўқон шаҳар мусиқали драма театри актёри

**Қобилова Зиёда Ўткировна** — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

**Мўминова Зулхумор Анорқуловна** — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

**Назарова Нгархан Кеунимжаевна** — “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли балет артисти

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”**

**Жуллиева Дилором Нурмаматовна** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Курбанбаева Зейнеп Хожабаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани Тахиатош энергетика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Солижонов Йўлдошхўжа** — Фарғона давлат университети профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Султонов Нурали Шодмонович** — Қашқадарё вилояти “Насаф” футбол мактаби катта мураббийи

**Тешабоева Одинахон Дилмуродовна** — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”**

**Есмурзаев Базарбай Кенгесбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси “Қорақалпоғистон” телеканали “Хабар” муҳарририяти шарҳловчиси

**Отабоев Аҳмад** — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бўлим мудири

**Рўзиев Шерзод Ташкентович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Тошкент” телерадиоканали “Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар” муҳарририяти бош муҳаррири

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”**

**Авазхўжаев Анвар Ҳожимуродович** — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси телеоператори

**Бегимқулова Замира Латифовна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбектелефильм” студияси саҳналаштирувчи режиссёри

**Музаффарова Саодат Ҳайдаровна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ўқитувчиси

**Насимов Ҳилол Тўлқинович** — “Ўзбекфильм” киностудияси постановкачи-режиссёри

**Раҳимжонов Нўъмон Каримович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”**

**Ососков Александр Владимирович** — Республика онкология илмий маркази таркибидаги Республика рентген-радиология маркази мудири

**Йўлдошев Набижон Пиримович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази рентген-эндоваскуляр жарроҳлик бўлими мудири

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”**

**Ибрагимов Қаҳрамон Сулаймонович** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийи

**Ҳалимов Латиф Юсуфович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Умаров Фахриддин Жабборович** — Тошкент шаҳар 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг таэквондо бўйича мураббийи

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”**

**Бойқўзиев Жасур Тавбоевич** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Тасмурадов Елмурат Зулипхар-ули** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”**

**Йўлдошева Раъно Болтаевна** — Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Каримов Раҳматулла Тошбоевич** — Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Мирзаҳамдамова Гавҳаржон Мирзаакрамовна** — Наманган вилояти Косонсой педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**“Меҳнат шуҳрати” ордени билан**

**Абдуқодирова Саломат Маҳкамовна** — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**Ашуров Ҳотам Баҳронович** — ЎзФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти директори

**Эгамбердиев Курбон** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

**Искандарова Раъно Ибодуллаевна** — Хоразм вилояти Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси “Ғалаба” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Қобилов Насрулла Кўчқорович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти

**Миршарипов Ҳабибулло Йўлдошевич** — Фарғона вилояти Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Ортиқбоев Аминбой Ўрозбоевич** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири

**Содиқов Абдувоҳид** — Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери бош шифокори - вилоят бош фтизиатри

**Туламетов Баҳодир Аҳмедович** — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳандиси ўринбосари

**Ҳошимов Шуҳрат Хуршидович** — Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош шифокори

**Ҳайдаров Меҳриддин Икромович** — Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

**Шоқодиров Рустам Исрофилович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази гуруҳ бошлиғи

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан**

**Отабоев Алимжон Жуманазарович** — Республика қўғирчоқ театри актёри

**Кутлимуратова Феруза Калбаевна** — Нукус “Она ва бола скрининги” маркази бўлим мудири, генетик-шифокор

**Маманазаров Қурбон Мамаражабович** — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими мудири

**Нурова Зайнаб Эргашевна** — Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси

**Эминов Баҳодир Жўраевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими мудири

**“Дўстлик” ордени билан**

**Алимбеков Адҳамбек Камолович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими масъул котиби

**Ахимбетова Гулбахар Канатбаевна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ўқитувчиси

**Жумаев Шариф Каримович** — Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Каримова Севар Абдулазизовна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи

**Мамедов Мобил Якуб ўғли** — Республика озарбайжон миллий-маданий маркази раиси

**Маҳмудова Ҳикоят** — “Мозийдан садо” журнали бўлим муҳаррири

**Насриддинов Алишер Шоасилевич** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Низомиддинов Ҳайитали Маматқулович** — Республика сатира театри актёри

**Сетян Мартин Вараздатович** — Республика арман миллий-маданий маркази раиси

**Тангриев Лазиз Хушбоқович** — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори

**Туркина Анна Владимировна** — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг Давлат хор капелласи бадиий раҳбари

**Умаров Баҳодир Зокирович** — “Маънавият” нашриёти бош муҳаррири

**Умарова Бактигул Сериковна** — Навоий вилояти Конимех туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Ўринов Эсонбой** — “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи

**Халмурзаев Альберт Шарифович** — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

**Шокин Дмитрий Александрович** — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юнусов Салават Идрисович** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси ижодий гуруҳ бошлиғи

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**“Шуҳрат” медали билан**

**Абдувоитова Гулчеҳра Имонқуловна** — Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

**Абдураҳмонов Бекзод Маҳамаджонович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Акрамхўжаева Феруза Ғанихўжаевна** — Ўзбекистон давлат табиат музейи табиатшунослик бўлими катта илмий ходими

**Алиева Дилдорхон Юнусовна** — “Жаҳон адабиёти” журнали катта корректори

**Алимова Сабоҳат Зарифовна** — Сурхондарё вилояти Термиз санъат коллежи халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси

**Алланазарова Қизларгул Толибоевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл тумани тиббиёт бирлашмаси “Алтинкўл” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Алланбаев Рудакий Оринбаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси катта ўқитувчиси

**Аҳмадалиева Гулноз Икрамовна** — Олимпия шон-шуҳрати музейи бош муҳофизи

**Очилова Манзура Шералиевна** — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей математика фани ўқитувчиси

**Бобоёров Абдунаби** — “Куч — адолатда” газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири

**Воронина Екатерина Александровна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Галактионов Валерий Владимирович** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси артисти

**Ерходжаев Нажмиддин Сирожиддинович** — Тошкент шаҳар 5-сонли болалар клиник шифохонаси реанимация бўлими мудири

**Жуманиёзова Раъно** — Республика Маънавият тарғибот маркази Булоқбоши тумани бўлими тарғиботчиси

**Зарипова Меҳрибон Абдураҳмоновна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири

**Зиёддинов Шавкат Нажмиддинович** — Республика Маънавият тарғибот маркази Қўшработ тумани бўлими тарғиботчиси

**Ибрагимова Малоҳат Воҳитовна** — “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи катта корректори

**Исамединова Юлдузой Ибражановна** — Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 5-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори

**Кабиров Саидкарим Алимович** — “Истиқлол” санъат саройи директори ўринбосари

**Каллиев Абатбай Нагметуллаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

**Қурбонов Сойиб Ражабович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Латипов Жасурбек Мадаминжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мавлонов Саидмухтор Мақсудович** — ЎзФА Биоорганик кимё институти лаборатория мудири

**Мелиқўзиев Бектемир Рўзматжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

**Мирпайзиев Мирбахтиёр Содиқович** — “Ўзбекистон овози” газетаси мухбири

**Муродова Ҳамро Бадаловна** — Қашқадарё вилояти “Чироқчи чироқлари” фольклор-этнографик халқ ансамбли хонандаси

**Ниёзова Нилуфархон Абдулҳамидовна** — “Камолот” ЁИҲ Наманган вилояти Кенгаши “Камолот” газетаси муҳаррири

**Нўъмонов Исмоил Эргашевич** — Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

**Омонова Нодира Ўрозовна** — Қашқадарё вилояти Қамаши тумани тиббиёт бирлашмаси “Баландчайла” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Отенов Толеген** — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти Ботаника боғи директори

**Пўлатова Зуҳра Давроновна** — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси етакчи муҳаррири

**Ражапов Анвар Жумабоевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори

**Раҳматов Асқарали Эшмўминович** — Сурхондарё вилояти Олтинсой ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Рўзиқулов Фахриддин Бозорович** — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадиий экспертиза бошқармаси назорат бўлими бош санъатшунос-назоратчиси

**Рўзметова Турсуной Абдушариповна** — Навоий санъат ва маданият коллежи махсус фан ўқитувчиси

**Садирова Дилдор Ҳошимовна** — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Саъдуллаев Аллазар** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, кулол

**Сайдивалиев Пўлат Собитович** — “Ватанпарвар” газетаси адабий ходими

**Сапаев Сапармат Абдуллаевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Спорт” телерадиоканали “Хабарлар” муҳарририяти бош муҳаррири

**Саттиева Гулбаҳор Қодировна** — Андижон тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Синдоров Аннокул Мийлиевич** — Самарқанд вилояти Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси “Шована” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Султонова Зулфия Султоновна** — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали кафедра мудири

**Сўфиев Абдусамат Махсудович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Фарғона вилоят телерадиокомпанияси гуруҳ раҳбари

**Тангирова Гулбаҳор Эшматовна** — “Сурхон тонги” — “Заря Сурхана” газеталари бош муҳаррири

**Ташматова Азатгул Раҳимовна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси “Миллий чолғу” илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси директори, доцент

**Тешабоев Қаҳрамон Рашидович** — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этиш цехининг қоғоз кесиш машинаси машинисти

**Толипов Шуҳрат Маннопович** — Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси артисти

**Тошев Даврон Бўронович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом

**Трошина Виктория Юрьевна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Узоқова Санобар Тиркашовна** — Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси “Кавардон” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Фозилов Зулфиқор Ҳусанович** — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмаси “Боғбон” қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

**Хаметова Камила Тахировна** — “Ўзбекцирк” республика бирлашмаси артисти

**Ҳамидов Юсуфжон Воҳидович** — “Халқ сўзи” газетаси масъул котиби

**Хўжамбердиева Замирахон** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Ҳожиев Хайрулла Ғуломқодирович** — Тошкент вилояти Зангиота агросервис касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Худойқулова Муқаддас Тожиқуловна** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси “Боёвут” қишлоқ врачлик пункти дояси

**Ҳусанов Мирабзал Зоирович** — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси

**Хушвақов Луқмон** — 1-сонли Республика клиник шифохонаси хирургия бўлими мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 25 август

MILLIY TIKLANISH
34 (355) 2015 йил 26 август, чоршанба

Ўқув-семинар



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

# ЎзМТДП хотин-қизлари

## партия дастурий мақсад-вазифаларининг фаол тарғиботчиси

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни юртимизда кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда сиёсий партиялар ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларидан бири хотин-қизлар манфаатини ҳимоялаш, маънан етук, жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилгани боис партия сафида кун сайин фаол ва ташаббускор аёллар сони ортиб бораётир. Зеро, соғлом бола туғилиши, ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган "ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишнинг замонавий усуллари" мавзусидаги семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичлари ғолиблари ва партия фаоллари иштирок этди. Тадбирда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар юзасидан ЎзМТДПнинг чора-тадбирлар режасининг бажарилиши, партия дастурий мақсад-вазифалари тарғиботининг замонавий усуллари ҳамда "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг мамлакат босқичини юксак савияда ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

— Ўтган тарихан қисқа фурсатда халқимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кўлами ва аҳамиятини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган улкан ютуқларга эришганини бугун ҳар бир юртдошимиз ўзининг тинч-осуда, тўкин ва фаровон ҳаётида теран англамоқда, истиқлол қудратига амин бўлмоқда, — деди партия раҳбари. — Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори энг улуғ, энг азиз байрамни юксак даражада ва кенг нишонлашда муҳим асос бўлиб, барчамизга кўтаринки руҳ бағишлади. Мазкур қарорда белгиланганидек, халқимиз хотирасида ўчмас ва шонли санага айланган энг улуғ, энг азиз айём бу йил ***"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!"*** деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланмоқда. Дарҳақиқат, ҳар бир халқ учун ўз юрти бетакрор ва ягона. Бироқ Ўзбекистонимиз умуминсоний цивилизация бешиги, инсоният тамаддуни ўчоғи, турли халқлар маданияти чорраҳаси сифатида ҳам якка-ягона ва бетакрордир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Партиянинг истиқлол байрамини муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар режаси асосида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олиб бораётган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларида юртдошларимизда биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни англаш туйғусини янада кучайтириш, уларни янги марралар сари руҳлантиришга эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишда, ҳеч шубҳасиз, фаол хотин-қизларнинг ўрни беқиёс. Истиқлол берган имкониятлар партия сафидаги хотин-қизларнинг ҳаёти, иш ва партиявий фаолияти, дунёқараши ва эзгу интилишларида ҳам ўз аксини топаётир. Партиямиз сайловолди Платформасидаги ҳар бир йўналишда хотин-қизлар манфаати ўз аксини топган. Жумладан, маънавий қадрият ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни навқирон авлод вакилларига ўз ҳолича етказиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш, маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, хотин-қизлар орасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш каби қатор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишда партиямиз хотин-қизлари етакчи бўлиши лозим. Шу боис партия амалга ошираётган саъй-ҳаракатларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш ЎзМТДПнинг аёллар сиёсатини рўёбга чиқариш борасидаги муҳим вазифасига айланган.

Семинарда эътироф этилганидек, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва тафаккурга эга бўлган хотин-қизларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ва рўёбга чиқариш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида турли ўқув-семинар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ташкил этиб келмоқда. Олти йилдан буён ўтказилаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловида бугунга қадар минг нафардан ортиқ хотин-қиз ўз билими ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди. Танлов иштирокчиларининг аксарияти бугун давлат ва жамоат ташкилотлари, партия сафида самарали фаолият юритмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия "Аёллар қаноти" ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, оила институтини мустаҳкамлаш, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида давра суҳбатлари, учрашув, илмий-амалий семинар ва кўрик-танловлар ташкил этди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — "Президент асарлари билимдони" мавзусида эсселар танлови, "Миллий тикланиш ғоясини тарғиб-ташвиқ қилиш ва амалга оширишда хотин-қизларнинг роли" мавзусида давра суҳбатлари, "Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият пойдевори" тадбирлари, "Халқ оғзаки ижодининг маънавиятимиздаги ўрни" илмий-амалий конференция ва "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари юқори савияда, хотин-қизлар фаоллиги остида ўтди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ЎзМТДП "Аёллар қаноти" жами 2 мингга яқин тадбир ўтказиб, уларда 15 мингдан ортиқ хайрихоҳларимиз иштирок этди.

Семинар доирасида ЎзМТДП фракцияси аъзолари Алишер Қодиров, Жаҳонгир Ширинов, Мухтабар Ҳусанованинг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари", "Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки", Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти профессори Шаҳноза Халилованинг "ЎзМТДП ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишнинг психологик омиллари", Ўзбекистон Миллий университети доценти А.Тилавовнинг "Партия лидерларида нотиқлик санъатини шакллантириш механизмлари" мавзусидаги маърузалари тингланди. Психологик тест ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Партия дастурий мақсад-вазифалари асосида ҳудудларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, бунинг учун миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада партия "Аёллар қаноти"нинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, келгуси режалар белгилаб олинди.



***Дилфуза ЖАЛИЛОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ўтказаётган тадбирларда ЎзМТДП ғояси ва дастурий мақсадлари фаол тарғиб қилинмоқда. Бу жараёнга партиямиз фаол хотин-қизлари — ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия сафидаги зиёлилар, санъат ва маданият ходимлари кенг жалб этилмоқда. Семинарда ЎзМТДП ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишда партия сафидаги хотин-қизлар ролини янада ошириш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Бу борада турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Партиявий тарғибот ишларида хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.



***Дилнавоз НОСИРОВА,***
***халқ депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Айниқса, вакиллик органларида хотин-қизларнинг ўз ўрни борлиги ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Бу юксак ишонч мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол бўлиш, партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини изчил амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизга куч бағишлайди. Семинар доирасида олган билим ва кўникмаларимиз бу борадаги фаолиятимизни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП ташкилотларида

# Мустақиллик ва миллий ўзлик ғояси

## партия ҳудудий ташкилотлари йиғилишлари бош мавзусига айланди

***Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланишлар самарасида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалиб, ҳаёт тарзи яхшиланмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида салкам чорак аср аввал танланган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри ва оқилона эканидан далолатдир.***



"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида нишонланаётган истиқлолимизнинг 24 йиллик байрами арафасида ортга яна бир назар ташлаш, яқин ўтмишимизнинг долғали кунларини ёдга олиш, халқимизнинг мустақиллик йўлида чеккан машаққатларини эслаш бугунги кун қадрини янада чуқур англашга имкон беради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари мажлисларида ана мавзу чуқур муҳокама қилинмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, ЎзМТДПнинг мустақиллик байрамини юқори савияда нишонлашга доир чора-тадбирлар дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Тошкент вилояти.** ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашида бўлиб ўтган мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз дунё ҳамжамиятига халқимизнинг буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлади, — деди мажлисда иштирок этган ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Бу йилги байрамнинг "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида нишонланаётгани ҳар бир ватандошимизнинг юртимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик туйғуси юксак эканини намоён этмоқда, халқимизнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга илҳомлантирмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ана шу ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси. Партия ташкил этаётган тадбир, кўрик-танлов, форум ва акциялар халқимиз онгу шуурига истиқлол мафкурасини сингдиришга хизмат қилаётгани шубҳасиз. Миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз эса миллий ўзлигимизни англашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, мустақиллик миллий ўзлик ғояси билан ҳамиша уйғун ва барҳаётдир.

Мажлисда, шунингдек, партия фаолиятига оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Жумладан, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг партия дастурий мақсадлари ижросига бағишланган тадбирларни ташкил этиш, партия аъзолари сафини кенгайтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда бошқа соҳалар бўйича кўрсаткичлари танқидий таҳлил қилинди.

Мажлисда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар бундан кейинги фаолиятида янада ташаббускор бўлишга, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатишга чақирилди.

**Жиззах.** ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши мажлисида давлатимиз раҳбарининг қарори ижросини таъминлашда партия вилоят кенгаши олдида турган вазифалар, партия тизимида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Ҳисобот даврида вилоятда маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишда партия ташкилотлари 400 га яқин тадбир ташкил этди, уларда 30 мингдан ортиқ юртдошимиз иштирок этди. Айни пайтда вилоятда бошланғич партия ташкилотлари сони 256 та, партия аъзолари сони эса қарийб 13 минг кишидан иборат. Жорий "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида "Кексалар доим эъзозимизда" маънавий-маърифий тадбири жойларда юқори савияда ташкил этилди. Тадбир орқали нуронийлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга намуна сифатида кўрсатиш, ёш авлодда катталарга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялашга катта эътибор қаратилди.

Мажлисда ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Ғайрат Қодиров партия вилоят кенгаши сайловолди Платформасининг асосий йўналишларидан бири — туризмни ривожлантириш масаласига ҳам эътибор қаратаётганини таъкидлади. Вилоятнинг Янгиобод, Бахмал, Мирзачўл, Зомин, Ғаллаорол, Жиззах туманларида "Ўзбектуризм" вилоят минтақавий бўлими билан ҳамкорликда "Экотуризм — иқтисодиётимизнинг янги тармоғи", "Жиззах вилоятида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари" каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Унда соҳа мутахассислари иштирокида мазкур ҳудудларда туризмни, хусусан, экологик ва маданий туризмни ривожлантириш учун ишга солинмаган имкониятлар изчил таҳлил қилинди.



Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритилган натижаларини бутун дунё тан олаётир. Истиқлол, энг аввало, миллий ўзлигимиз, миллий давлатчилигимиз, қадрият ва анъаналаримиз, тарих ва маънавиятимиз, энг муҳими, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

**Қашқадарё.** "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказиладиган тадбирлар режаси ҳамда партиянинг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти ва иккинчи ярим йиллик фаолиятининг асосий йўналишларига оид масалалар муҳокамасига бағишланган партия ҳудудий ташкилотининг мажлиси Қашқадарё вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

— Сайловчилар ва партия ижтимоий қатламини ўйлантираётган масалалар юзасидан туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари сессияларига муқобил таклифлар билан чиқиш депутатларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир, — деди мажлисда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Дилфуза Жалилова. — Партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ана шу масъулиятни чуқурроқ ҳис этишлари лозим. Чунки маҳаллий Кенгаш депутатлари бевосита аҳоли орасида бўлиб, уларнинг орзу-ўйлари, қизиқишларини яхши билади. Депутатларнинг аҳоли билан яқиндан мулоқоти жойларда уларнинг таклиф ва истаклари ечимида муҳим аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти, туман, шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар рўёби ва фуқаролар мурожаати асосида қатор амалий саъй-ҳаракатларни олиб бораётир. Жумладан, вилоятдаги депутатлар жорий йилнинг олти ойи мобайнида 60 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди, уларнинг 40 дан ортиғи ижобий ҳал этилди. Доимий комиссиялар йиғилишларига 11 таклиф ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига 2 масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Депутатларнинг фуқаро мурожаатларига аниқ ва тезкор ечим топиши, партия Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб қилиши партиямиз тарафдорлари сафини кенгайтирмоқда. Хусусан, ўтган 8 ой мобайнида партиянинг вилоят кенгаши ва унинг қуйи ташкилотлари жойларда партия дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш, аъзолар ва партия хайрихоҳлари сонини кенгайтиришга қаратилган 600 га яқин тадбир ташкил қилди. Бунинг натижасида партия аъзолари қарийб 500 нафарга ошди. Бугунга келиб вилоятда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари сони 13,5 минг нафарни ташкил этаётир.

Мажлисда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида ЎзМТДП амалга ошириладиган ишлар, бу борада партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва партия гуруҳларида энг улуғ ва энг азиз айём — Мустақиллик байрамини юқори савияда ташкил қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Наманган ва Сирдарё вилоят кенгашларида ҳам мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, мазкур йўналишда қилиниши зарур бўлган ишлар ҳамда партия сайловолди Платформасидаги мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши муҳокамасига бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Қонун лойиҳаси — муҳокамада



# Демократик кучлар блоки

## аҳоли саломатлигига хизмат қилувчи қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва тавсияларини шакллантирди

***Халқимиз бежиз "Соғлиқ — туман бойлик", демайди. Бирор жойимиз оғриб қолса, дарҳол дорихона ёки шифокорга шошиламиз. Бугун шаҳар марказию чекка қишлоқларда ҳам кўркам дорихоналар аҳоли хизматида. Ҳар қандай дори воситалари муҳайё. Аммо уларнинг сифати, сақланиши қай ҳолатда? Аҳолини ишончли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш масалалари қай даражада тартибга солинган?***

Шу ўринда айтиш керакки, 1997 йилда қабул қилинган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун республикамизда дори воситалари муомаласини қонуний тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда. Аммо мазкур қонуннинг кўпгина нормалари бугунги кун талабларига мос келмай қолгани, дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналарнинг тиббиёт амалиётида қўлланилишига оид айрим нормалар тўла акс этмаганлиги унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Шу мақсадда янги таҳрирда ишлаб чиқилган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда. Ёшу қари — барчанинг ҳаёти учун зарур масалалар акс этган мазкур қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Уни такомиллаштириш юзасидан нафақат Қонунчилик палатаси депутатлари, балки соҳа мутахассислари, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари кўплаб таклифлар, фикр-мулоҳазаларни билдирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилишида ҳам янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бош мавзу бўлди. Иккинчи ўқишга тайёрланаётган мазкур қонун лойиҳасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш, жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сифат назорати, реклама қилиш, қўллаш, йўқ қилиш, дори воситаларининг клиник тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда уларни давлатга олиб кириш ёки олиб чиқишга қаратилган масалалар ўз аксини топган.

Йиғилишда сўз олган Демократик кучлар блоки аъзолари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тиббий хизмат сифатини янги даражага кўтариб, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг тиббиётда самарали қўлланилишини таъминлаш, аҳолига сифатли дори воситаларини етказишга қаратилган ушбу қонун лойиҳасининг долзарб аҳамият касб этишини қайд этдилар.

Демократик кучлар блоки муҳокамадаги қонун лойиҳаси юзасидан партиялар электоратининг манфаатлари ва ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, алоҳида меъёрларни янада такомиллаштиришга доир таклифларни илгари сурди.

— Ушбу қонун лойиҳаси аҳоли соғлиғини сақлаш, фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов. — Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лозим. Шу муносабат билан биз лойиҳанинг айрим моддалари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқдик. Жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосига оид ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида бундай маҳсулотларнинг чакана савдосига доир меъёрларни аниқлаштиришни таклиф этдик. Энг муҳими, чакана савдо дори воситаларининг яроқлилик муддати, сақлаш шароитлари ва сотиш тартибига доир талаб ва қоидаларга мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Йиғилишда Демократик кучлар блоки аъзолари қонун лойиҳасига дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, уларнинг қалбакилаштирилиши, сифатсиз тиббий буюмлар сотилишининг олдини олишни назарда тутувчи меъёрни ҳам киритишни таклиф этди. Бу эса фуқароларимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, депутатлар дорихоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини янада аниқ белгилаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқлаштиришни таклиф этди. Бу тадбиркорлик субъектларига қонунчилик доирасида дори воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланиш имконини беради.

Тадбирда депутатларнинг қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир бошқа таклифлари ҳам кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омили бўлган соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилиш якунида Демократик кучлар блокининг позицияси шакллантирилди, қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир тавсияларни масъул қўмитага тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***Козим ТОЖИЕВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқи янги 11 модда билан тўлдирилмоқда. Ҳукуматнинг дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги Давлат дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, аҳолини сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлаш, уларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш борасидаги ваколатлари аниқлаштирилди. Тушунчалар сони 8 тага қисқартирилиб, 17 тушунча берилмоқда. Бугунги йиғилишда Демократик кучлар блоки аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни ўртага ташлашди. Хусусан, лойиҳадаги "мақбул дорихона амалиёти" тушунчасини кенгроқ очиб бериш зарурлиги ҳақида фикр билдирилди. Бу тушунча дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш, уларнинг яроқлилик муддати, сақлаш шароитларига доир санитария қоидалари, гигиена меъёрлари ва талабларининг риоя этилишини таъминлашни назарда тутади.

* * *

Демократик кучлар блоки мутахассислар, жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиққанидан сўнг барча фракция аъзолари, жумладан, мухолифатдаги партияларнинг фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакилларининг ҳам иштирокида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Демократик кучлар блокининг таклифлари таҳлил этилди.

Депутатлар ўз электорати манфаатлари ва сайловолди дастуридаги мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда фармацевтика фаолиятининг муҳим жиҳатларини муҳокама қилишди, қонун лойиҳасининг алоҳида нормалари бўйича нуқтаи-назарларини баён этишди.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган давра суҳбатида мухолифатдаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Демократик кучлар блоки илгари сурган қатор муҳим таклифлар долзарб эканлигини қайд этди. Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасида дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархини белгилашга оид қоидани кўрсатиб ўтиш лозимлиги, амалдаги қонунда бундай меъёрнинг йўқлиги туфайли дорихона ташкилотларида нархни белгилаш борасида ягона ёндашув мавжуд эмаслиги, бу эса айрим пайтларда дори воситалари қийматининг ошишига олиб келишини таъкидлади.

Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам Демократик кучлар блокининг қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича позициясини маъқуллаган ҳолда ўз таклифларини билдиришди. Жумладан, қонун лойиҳасида айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлаш тартибини аниқлаштирувчи, шунингдек, стационар ва амбулатор даволаниш даврида тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат кафолатлари доирасида дори воситалари олиш ҳуқуқига эга беморлар рўйхатини аниқлашга доир нормаларни қолдириш лозимлиги баён қилинди. Зеро, бу аҳолининг ижтимоий муҳофазасини самарали олиб боришга хизмат қилади.

Шунингдек, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари ҳам ўз мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Қонун лойиҳасидаги дори воситалари рекламасига оид норма ҳам йиғилиш иштирокчиларининг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Демократик кучлар блоки бу борада дори воситалари рекламасини маъқуллаган бўлса, мухолиф ЎзХДП фракцияси аъзолари эса, аксинча, дори воситалари рекламасини чеклаш зарурлигини илгари суришди. Бунинг боисини шифокор маслаҳатисиз қабул қилинадиган препаратлар баъзи ҳолларда инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкинлиги билан изоҳлашди.

Қизғин баҳс ва муҳокамаларга бой бўлган йиғилиш якунида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ташаббус натижа берди

# Янги гузарлар ташкил этилади

## халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ушбу масалани сессияга киритди

***Маҳалла — ҳаёт мактаби, халқимизнинг азалий урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарини ўзида мужассам этган ижтимоий тузилма. Ўзбекистонда изчил барпо этилаётган демократик жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели демократия институти сифатида тан олинди.***

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, айни дамда маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш каби вазифаларини янада кенгайтириш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ҳар бир маҳаллада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фуқаролар йиғинлари ҳузурида гузарлар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ.

Буларнинг ҳаётий самараларини Навоий вилоятидаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳам яққол кузатиш мумкин. Жумладан, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, ободонлаштириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш мақсадига қаратилган амалий ишлар, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари доимий эътиборда. Биргина Навбаҳор туманида фермер хўжаликлари ва якка тадбиркорликни ривожлантириш орқали мингдан ортиқ, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш эвазига 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бугун туманнинг ҳар бир гўшасида шинам ва кўркам уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият ва спорт масканлари қад ростламоқда. Мазкур бунёдкорлик жараёнларида халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам кўмаклашаётганини эътироф этиш жоиз.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан илгари сурилган "Навбаҳор туманидаги маҳаллалар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида барча қулайликларга эга бўлган гузарлар, сервис хизматлари, болалар спорт майдончалари барпо этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги масала доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилганидан сўнг туман Кенгаши сессиясига киритилди. Бу ташаббус-масала партиямизнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги дастурий мақсад-вазифалари рўёбида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, вазифаларини кенгайтириш ва мустақиллигини кучайтириш, маҳалланинг эзгу урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, оилада соғлом муҳитни шакллантиришдаги фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

— Истиқлол йилларида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат органлари вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда, — дейди халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Азимжон Ёрқулов. — Бугунги кунда республикамиздаги ўн мингга яқин маҳалла фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида илгари давлат органлари зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ ваколатларни бажармоқда. Бу жараёнда маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгилаб қўйилган мазкур йўналишдаги дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия гуруҳимиз муайян саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда. Партиянинг туман кенгаши билан ҳамкорликда маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, ҳар бир маҳалла ҳузурида гузарлар бунёд этишга кўмаклашиш орқали аҳолига янада муносиб турмуш шароити яратиш, маҳалла ёшларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, касб-ҳунарга, меҳнатга ўргатиш каби масалалар доимий диққат эътиборимизда.

Таъкидлаш жоиз, айни пайтда туманда 41 маҳалла, 7 қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. 110 мингга яқин аҳоли, 28 мингдан зиёд оилага хизмат кўрсатувчи маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинининг аксарияти мослаштирилган, бошқа ташкилот ва муассаса балансида турган биноларда фаолият олиб бормоқда. Ҳаёт мактаби бўлмиш бу масканлар учун алоҳида бинолар қуриш ва ҳар бир ҳудудда маҳалла гузарлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кутубхоналар, болалар спорт майдончалари барпо этиш каби долзарб вазифаларни изчил амалга ошириш бугунги кун талабидир. Бу борада ЎзМТДП гуруҳининг сессияга киритган ташаббус-масаласи амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан биридир. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган сессия қарорига мувофиқ, туман ҳокимлиги мутасаддилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда қатор ташкилот ва муассаса раҳбарлари зиммасига аниқ ва мақсадли вазифалар юклатилди. Жумладан, ҳудудлардаги аҳоли турмуш сифатини янада яхшилашга қаратилган таклиф ва истакларни ўрганиш, бу борада кенг жамоатчилик иштирокида йиғилиш ва тадбирлар ташкил этиш, сессия қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли мутасаддиларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари зиммасига юклатилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимига маҳаллаларда гузарлар ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни умумлаштириш, энг мақбул таклифга асосан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар ва ободонлаштириш бўлими мутасаддиларига ҳам ўз ваколати доирасида амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияларига мазкур ишларни мунтазам муҳокама этиб бориш, қарор ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур масаланинг маҳаллий кенгаш сессиясида муҳокама этилиши ва қарор қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг обод, кўркам масканларга айланишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам миллий, маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримиз улуғланадиган маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллани фуқаролар, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини оширишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Депутатларимиз томонидан кўтарилган ушбу ташаббус-масала бу каби дастурий мақсадларимизни амалга ошириш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

***Ғафур ФАЙЗИЕВ,***
***Арабсарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси,***
***халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, шаъни бебаҳо қадрият сифатида эъзозланмоқда. Истиқлол туфайли қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам тикланди. Ана шу жараёнда маҳалла институти халқнинг ишончи ва таянчига айланаётгани, албатта, қувонарлидир. Шу нуқтаи назардан партия гуруҳимизнинг маҳалла тизими фаолиятини янада равнақ топтиришга қаратилган ташаббус-масаласи муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб партия гуруҳимизнинг масъулияти яна бир карра ошди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги, мутасадди корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бориш, электоратимиз вакиллари билан бу борада турли учрашув ва тадбирлар ташкил этиш вазифаси ҳар биримизнинг кун тартибимиздан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

***Иброҳим ЁРҚУЛОВ,***
***Навбаҳор туманидаги "Қизилработ" МФЙ фаоли, меҳнат фахрийси:***

— Инсон қадри баланд, осойишталик ҳукмрон юртда яшашнинг ўзи улкан саодат. Осуда ва фаровон ҳаёт, ободлик, тўкинлик — буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг энг олий неъматларидир. Саранжом-саришталик, ободлик ва покликка интилиб яшаш халқимизга хос фазилат. Маҳалламиз ҳудудида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кузата туриб, биз кексаларнинг кўксимиз тоғдек кўтарилади. Барча маҳалладошимиз ва юртдошларимиз энг улуғ, энг азиз айём шодиёнасини кўтаринки кайфият, эзгу амаллар билан қарши олаётгани бизни қувонтирмоқда. Зеро, ободлик, тинчлик ва хотиржамлик бор жойда қут-барака ва ривожланиш бўлади.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қўмита йиғилиши

# Парламентлараро алоқалар ривожи

## мамлакат мавқеини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламентлараро алоқаларини такомиллаштириш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, қатор вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отамуратов истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари кенгайиб, ҳар соҳадаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, парламентлараро муносабатлар борасида ҳам бир қатор давлатлар билан алоқалар ўрнатилган ва парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган. Яна бир нечта мамлакатлар парламентлари билан ана шундай гуруҳлар тузилиши режалаштирилган.

Давра суҳбатида хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ривожланган давлатлар парламентларининг парламентлараро ҳамкорлик борасидаги тажрибасини ўрганиш, парламентлараро алоқалар самарадорлигини янада ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, парламентлараро алоқалар мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Давлатлараро муносабатлар ўрнатишда парламент аъзолари ўз ваколати доирасида халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, халқаро ҳужжатларни ратификация қилишда миллий манфаатларимиз доирасида ёндашиши зарур. Айни пайтда Ўзбекистон парламенти 206 парламентлараро ҳужжатни ратификация қилган. Парламент назорати доирасида мазкур ҳужжатларнинг мамлакатимиздаги ижроси ҳам мунтазам ўрганиб келинмоқда. Жумладан, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг халқаро меҳнат ҳужжатлари шартномаларининг ижроси бўйича ҳисоботи эшитилди. Бундан ташқари "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенциянинг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Ўзбекистон парламентининг бу каби саъй-ҳаракатлари парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ривожланган давлатлар парламентларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги тажрибасини ўрганиш, хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар юридик тажрибаси ва амалиётидан самарали фойдаланиш, пировардида қонун ҳужжатларини тайёрлаш сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди. Айтиш керакки, кўплаб хорижий мамлакатлар парламентларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга қизиқиш ортиб бормоқда. Буни сўнгги вақтларда хорижий мамлакатлар парламент делегацияларининг Ўзбекистонга ташрифи кўпаяётганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 47 давлатда дипломатик ваколатхоналари фаолият олиб бораётган бўлса, ўз навбатида, мамлакатимизда 45 давлатнинг элчихонаси, 5 халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси ишламоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли муносабатларини янада ривожлантириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини кенгайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бу борада парламент дипломатиясининг ҳуқуқий асосларини яратиш, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятини ташкил этишга қаратилган мавжуд ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга оид таклифлар билдирилди.

Тадбир якунида Қонунчилик палатасининг парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳамда парламент дипломатиясини кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан**

# Тенгсиз неъмат саодати




***Халқимиз истиқлолнинг йигирма тўрт йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган шу кунларда мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлига яна бир бор назар ташлар эканмиз, бугунги ёруғ кунларга, ютуқ ва марраларга қандай омиллар эвазига эришганимиз кўз ўнгимиздан ўтади. Мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри йўл сифатида танланган, бугунги кунда ўзининг юксак самараларини бераётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — “ўзбек модели” ана шундай энг муҳим омиллардандир. Шу жиҳатдан тарихан қисқа, мазмунан бой мустақиллик йилларида Ватанимиз истиқболи йўлида асрларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилди. Халқимизнинг кечаги кўрган кунию бугунги ёрқин ҳаёти ўртасидаги кескин фарқ айни ҳақиқат. Бугун ушбу ҳақиқат ҳар бир ватандошимиз дилида кечаётган, тилида баралла янграётган бегумон иқрордир. Бугунги бахтиёр, дориломон кунлар шодиёнасига эришиш эса минг машаққату заҳматлар ила кечгани ҳам бор гап. Халқимиз “меҳнат билан топганинг — қанду новвот тотганинг”, деган ҳикматни бежиз такрорламайди. Бунинг замиридаги маъно-мазмун эркинликни қўлга киритган дамлар, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликлар, тинимсиз саъй-ҳаракат, оқилона тутилган йўл эвазига эришилган бугунги фаровон кунларимизни ҳам ўзида акс эттиради. Қийинчилик билан эришилган ҳурлик, йиллар давомида орзуланган озодлик нашидаси кўнгилларимизга ҳузур бағишлаётгани бугунги ҳаётимизда яққол намоён бўлаётир. Биз қўлга киритаётган барча ютуқ ва юксак натижаларнинг омилию мезони замирида, энг аввало, халқимизнинг фидокорона меҳнати мужассам.***

*“Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги шодиёналари ҳар бир ватандошимиз қалбини тўлқинлантирмоқда, дилидаги гапларини баралла ифода этишга ундамоқда. Миллатимизнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, миллий-маънавий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, барча соҳада миллий манфаатларни ҳимоялашни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари истиқлол берган имкониятлар, яқин ўтган тарихда ким эдигу бугун ким бўлганимиз, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлигимизни асраш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

***Авазбек ЖАЛИЛОВ,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро муносабатлар қўмитаси раиси,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Айни кунларда мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорида халқимизнинг асрий орзуси ҳисобланган мустақилликдек тенги йўқ неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш зарурлиги таъкидланган. Мустақиллик биз учун ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, ҳар томонлама соғлом янги авлодни тарбиялаш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. 24 йил ичида босиб ўтган машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотлар, эришган ютуқларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимиз ҳамда жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётир.

Тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бу, шубҳасиз, тинчлик-осойишталикдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, турли минтақа ва ҳудудларда қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, биринчи навбатда, тинчлик-осойишталик, файзу баракали ҳаётни таъминлашга қаратилган. Халқимиз буни теран англаётгани, тинчликни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлашга кўмакчи бўлиб, ўз ҳиссасини қўшаётгани эътиборлидир. Турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳисобга олиш, қўшни ҳамда узоқ мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги, давлатимиз тинчлик тарафдори эканлиги, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслигимизни Юртбошимиз бот-бот такрорлайди. Ички ва ташқи сиёсатда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси давлатимиз раҳбари раҳнамолигида илгари сурилаётган бу сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимизда барқарор юқори иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг юксалиши — барча-барчаси тинчлик туфайли таъминланаётганини барчамиз юксак қадрлашимиз ва уни мустаҳкамлаш учун курашишимиз даркор.

***Жуманазар ОТАЖОНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Мустақиллик миллий ўзлигимизни, инсоний қадр-қимматимизни қайта тиклаш, она тилимизни, динимизни, қадрият ва анъаналаримизни улуғлаш имконини берди. Мустақилликка эришганимиздан кейин машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлимизни қатъий белгилаб олиб, дунёда “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб келинмоқда. Барча ислоҳот, аввало, эл-юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга давлат бюджетидан ажратилаётган йиллик харажатлар йилдан йилга оширилмоқда. Биргина 2014 йилда ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар давлат бюджети харажатларининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этгани мазкур йўналишда қанчалик кенг кўламли ишлар олиб борилаётганидан яққол далолат беради.

***Зумрад БЕКАТОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг жисмонан ва маънан етук, ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган кўркам билим даргоҳлари, жумладан, 9700 га яқин умумтаълим мактаби, 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳамда 80 дан ортиқ олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён 1700 дан зиёд спорт объекти барпо этилгани, хусусан, сўнгги беш йилда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун яратилаётган улкан шароитларга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда бу ишларнинг самарасини ёшларимиз қўлга киритаётган улкан натижаларда кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина ўтган йилда 452 нафар ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, олтин, кумуш, бронза — жами 377 медаль соҳиби бўлдилар. Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар Олимпиадасида терма жамоамиз 200 дан зиёд мамлакат ўртасида 27-ўринни кўлга киритгани ҳам юксак эътирофга лойиқ.

Санъат соҳасида эса жорий йилда юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида “Гран-при”ни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Фан соҳасида ҳам ҳар йили ўнлаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Математика, кимё фанлари бўйича халқаро олимпиадаларда йигит-қизларимизнинг олтин медаль олишларига кўникиб ҳам қолдик. Ҳар томонлама фаол, иқтидорли ёшларимиз ҳар йили Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Ниҳол” мукофоти, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда, турли давлат стипендиялари, мукофотлар ва унвонларга сазовор бўлмоқдалар. Буларнинг барчаси истиқлолимиз меваси, мустақиллик берган имконият ва неъматлардир.

***Алишер ҚОДИРОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***



— Дарҳақиқат, истиқлол халқимизга янги тараққиёт уфқларини очиб берди. Юртимизга барқарорлик, халқимизга фаровонлик, ҳаётимизга тинчлик-осудалик, кўнглимизга хотиржамлик, кучимизга куч, қалбимизга шижоат бағишлаган истиқлол эпкинлари Ватанимизнинг бугунги қиёфасида ўз самараларини намоён этаётир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг “ўзбек модели” юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти изчил, барқарор ва жадал ўсаётган жаҳондаги жуда кам сонли мамлакатлар сафидан ўрин олди ва уни барқарорлаштириш устида изчил ишлар давом эттирилмоқда.

Жаҳонда давом этаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий инқироз даврида уларнинг ечимини топиш, амалга ошириш, кўриниб турибдики, бугунги кунда кўплаб мамлакатлар учун оғир бўляпти. Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик шароитида, масалаларни ҳамжиҳатлик билан, шошилмасдан бартараф этилаётганлиги, ҳамжиҳатлик билан юрт келажаги қурилаётганлиги ҳаммамизни фахрланишимиз, шундай юртда яшаётганимиз, шу мамлакатнинг фуқароси эканлигимиздан ғурурланишимиз учун ҳар томонлама асос бўлади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида, халқаро муносабатларда ҳам ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиш, дунёнинг қадимдан шаклланиб келаётган геосиёсий архитектурасидаги иштирокини, минтақадаги тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги сиёсий инқирознинг глобал характерини БМТнинг юксак минбаридан баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, НАТОнинг 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган саммити чоғида 6+3 шаклидаги мулоқот гуруҳи фаолиятини тиклаш, муаммони бартараф этишда халқаро ташкилотлар ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутиш, Афғонистонда барқарорлик, тинчлик ва ривожланишни таъминлаш ташаббусини илгари сурди.

***Илҳом САЛИМОВ,***
***халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Жиззах шаҳридаги “Агровант” МЧЖ бош муҳандиси:***



— Мустақиллик аждодларимиз асрлар оша орзиқиб кутган, юртимиз ҳаётида муҳим янгиланишлар, бунёдкорликлар бошланган, халқимиз ўз эрки ва мулкига эга бўлиб, тадбиркорликка, эзгу ишларга бел боғлаган янги давр бўлди. Миллий иқтисодиётимиз нафақат ҳажм жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам тубдан ўзгарди. Биргина қурилиш соҳасини таҳлил қилсак, юртимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, янги, дизайн ва кўриниш жиҳатидан бир-бирини такрорламайдиган бино-иншоотлар қад ростлади. Собиқ совет даврида ҳам қурилиш соҳасида ишлаганман. Аммо у пайтдаги талаб билан бугунги талаб ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Аввал қурилаётган бинонинг тезроқ битказилиши муҳим саналиб, унинг сифати, қулайлиги, қурилиш материаллари, дизайни, жойлашуви борасидаги масалалар иккинчи даражали эди. Ҳозир эса хоҳ марказ, хоҳ чекка қишлоқ бўлсин, қад ростлаётган ҳар бир иншоот ҳар томонлама пухта, пишиқ ва мустаҳкам бўлишига, дизайни, қуёш тушиши, ҳаво айланиши, қулайлиги нуқтаи назардан жойлашишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина Жиззах вилоятида 24 йиллик мустақил тараққиёт йилларида амалга оширилган ишлар қарийб 70 йил ҳукм сурган собиқ совет даврида ҳам бажарилмаган. Бугун вилоятимиз қиёфаси, архитектураси тубдан ўзгариб, эски бинолар ўрнида замонавий, кўркам иншоотлар, намунавий уй-жойлар, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, гўзал фавворалар, равон йўллар, янги саноат корхоналари қад ростлади. Бир пайтлар аграр вилоят ҳисобланган Жиззах бугун саноат марказларидан бирига, эркин иқтисодий зонага айланди, ишлаб чиқариш тармоқлари кўпайди. “Жиззах” махсус индустриал зонаси ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни ўз ичига олади. Жиззах шаҳрининг саноат ҳудудида 364 гектар ҳамда ушбу зонага филиал сифатида қўшни Сирдарё вилоятида 108 гектар майдонни ўз ичига олган “Жиззах” МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби фаолият йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда. Вилоятимиз қиёфасини қиёс қилар эканман, кечаги Жиззах қайдаю бугунгиси қандай, дея беихтиёр ғурурланиб кетаман.

***Қозоқжон ДАВЛАТОВ,***
***Республика Маънавият тарғибот маркази Қоракўл туман бўлими раҳбари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***



— Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий кўламини ифодалайдиган, эзгу ва олижаноб мақсадларимиз, бу йўлда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари кундалик таомилга айланди. Энг муҳими, одамларимизда, уларнинг онгу тафаккурида, дунёқарашида, ҳаётга, меҳнатга муносабатида улкан ўзгаришлар рўй берди. Биргина бизнинг туманда янги қурилган умумтаълим мактаблари, кўркамлиги билан бири иккинчисидан қолишмайдиган саккизта касб-ҳунар коллежи, иш услуби билан республикамизга танилган, иқтидорли ёшларнинг севимли илм-маскани ҳисобланмиш академик лицейнинг янги биноси, намунавий уйлар, савдо мажмуаси ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳар қандай киши диққат-эътиборини тортади. Мустақиллигимиз шарофати билан бунёд қилинган бу бинолар туманимиз аҳолисига муносиб хизмат қилмоқда.

Туманимизда 2014 йилда яна бир муҳташам бино қурилиб ишга туширилди. Ўзига хос услубда барпо этилган, қатор қулайликларга эга бу бино Болалар мусиқа ва санъат мактабидир. Ҳозирги вақтда бу масканда 173 ўқувчига 32 нафар санъатимиз жонкуярлари мусиқа сирларини ўргатиб келмоқда. Ўнта фортепиано, иккита рояль, ўзбек халқ чолғу асбоблари, зарбли ва дамли асбоблар, кутубхона, концерт зали ўқувчилар ихтиёрида. Ўзбек халқ ва эстрада чолғу асбоблари, фортепиано, анъанавий хонандалик, анъанавий ижрочилик, тасвирий санъат, амалий санъат каби еттита йўналиш бўйича фаолият олиб бораётган бу мактаб ўқувчилари қисқа муддат ичида қатор совринларни қўлга киритишга ҳам улгурди. Жумладан, 2014 йил республика миқёсидаги кўрик-танловда икки нафар ўқувчи биринчи ўринни эгаллади. Фарзандларимизнинг бу каби ютуқлари, туманимиз қиёфасида кечаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар истиқлол берган имконият ва неъматлардан яққол далолатдир.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Муҳтарама КОМИЛОВА**
**ёзиб олди**

"ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ" УК ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимиз ва азиз меҳмонларни*

**Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик**

*байрами билан самимий муборакбод этади!*

24 йил



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Реклама ўрнида

"SHAXRIXON MOBAIL"
МЧЖ жамоаси

24 йил

*Меҳнаткаш, бағрикенг, бунёдкор халқимизни*

**Истиқлол айёми**

*билан табриклайди!*



Матбуот анжумани

## Намунавий уй-жойлар

### фаровонлик ифодаси

***2015 йилда мамлакатимиздаги 149 қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги 12 минг уй-жой қурилиши режалаштирилган.***

Бу ҳақда 24 август куни Миллий матбуот марказида ўтказилган "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўйича 2015 йил Дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши" мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.Унда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" раҳбар-ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда юртимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиб, сифатли уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа мажмуаларини барпо этиш, қишлоқларнинг янги инфратузилмаларини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Айниқса, қишлоқларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ҳам бутунлай ўзгача қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш даражаси ва дунёқараши тубдан ўзгариб бораётгани айни ҳақиқат.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши Давлат дастурини давом эттириш мақсадида 2015 йилнинг 7 январида давлатимиз раҳбарининг "2015 йилда қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги турар жой қурилиши Дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу йил қуриладиган 12 минг уй-жойнинг 6771 таси "Қишлоқ қурилиш банк" иштирокида молиялаштирилади.

Жорий йилнинг шу даврига қадар банк молиялаштираётган уйлар учун аҳоли ва имтиёзли ипотека кредит маблағлари ҳисобидан жами 589 миллиард сўм ажратди. Бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тизимга халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банкининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш" лойиҳаси кредити доирасида 362,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Ҳозирда банк тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2015 йил уй-жой қурилиши учун Осиё тараққиёт банкининг 64 миллион, Ислом тараққиёт банкининг 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларини жалб этмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
34 (355) 2015 йил 26 август, чоршанба

Танлов

## Санъатнинг баравж ниҳоллари

***20 август. "Истиқлол" саройи. Тантанали тадбирда "Ниҳол" мукофотининг янги совриндорлари эълон қилинмоқда. Саҳнада юксак мукофотни қабул қилиб олаётган ёш иқтидор эгаларининг юз-кўзларидаги хурсандчилик, беғубор орзуларининг ижобатидан бахтиёрлик ифодасини пайқаш қийин эмас. Бу улар учун нафақат муносиб эътироф, балки улкан масъулият ҳамдир...***

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда таъсис этилган мазкур мукофот санъат соҳасида изланаётган ёшларнинг ижодий фаолиятини янада юқори босқичга кўтариш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янги ижодий парвозлар сари руҳлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ижодий кўрикда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдод эгалари эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Ўтган 15 йил мобайнида мазкур мукофотни қўлга киритганлар сони 152 нафарга етди. Уларнинг бир нафари Ўзбекистон халқ артисти, 17 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган, турли танлов ва фестиваллар совриндори бўлган санъаткорлар етишиб чиқди.

"Ниҳол" мукофоти тўққиз йилдан буён уч босқичда ўтказиб келинмоқда. Бу орқали эса юртимизнинг чекка ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган ёшларнинг ижодини тарғиб этиш кўзда тутилган. Ҳар йили ушбу кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари юқори савияда, кўтаринки ва байрамона руҳда, айни пайтда қатъий бадиий талаб ҳамда мезонлар асосида ўтказилаётир. Жорий йилда мазкур танловнинг ҳудудий босқичларида 13 мингдан ортиқ ёш иқтидор эгаси иштирок этди. Бу эса ўтган танловдагига нисбатан қарийб минг нафар кўпдир. Ана шунинг ўзиёқ мукофотнинг нуфузи йилдан-йилга юксалиб бораётгани кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилмоқда. Бу эса юртимизда ғоявий-бадиий юксак савиядаги янги қўшиқлар ва мусиқий асарлар яратиш, истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва мукофотнинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳаяжонли дамлар бошланди. "Ниҳол"нинг 2015 йилдаги ғолиблари номи эълон қилинди. Унга кўра эстрада санъати йўналиши бўйича Шаҳзодбек Собиржонов (Андижон вилояти), Шираз Турсинбоев (Қорақалпоғистон Республикаси), Бекзод Баҳромов (Наманган вилояти), Фарангиз Шамсиева (Самарқанд вилояти), Дилмурод Султонов (Хоразм вилояти), мумтоз қўшиқ йўналиши бўйича Сайёд Жўраев (Бухоро вилояти), Баҳодир Сайидов (Навоий вилояти), Алишер Аҳмедов (Тошкент шаҳри), мусиқа ижрочилиги бўйича Шаҳзод Асатуллаев (Қашқадарё вилояти), Достонжон Мирзокаримов (Сирдарё вилояти), опера ижрочилиги бўйича Зарнигорхон Умарова, Дилдора Мирсодиқова (Тошкент шаҳри), Иқболжон Раҳматов (Фарғона вилояти), Аминзода Жуманиёзов (Хоразм вилояти), рақс санъати йўналиши бўйича Сеҳриё Мирзаева (Тошкент шаҳри) мазкур мукофотга лойиқ топилди. Уларга диплом ва мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимида санъат усталари ҳамда "Ниҳол" мукофоти совриндорлари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

*жамоаси*

*барча юртдошларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги билан самимий қутлайди!*
*Мустақил Ўзбекистоннинг нурли келажаги йўлидаги фидокорона фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва куч-қувват тилаймиз.*
*Ушбу шодиёна арафасида юртимиз аҳолисига энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда,*

*банкнинг миллий ва хорижий валютадаги жозибадор омонатларини таклиф этамиз!*



*Мурожаат учун:*
*(+99871) 150-93-39, 150-39-93*
*www.qqb.uz*
*"Қишлоқ қурилиш банк"— фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган

Реклама

*ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!*

ASAKA BANK

**"АСАКА" банк**

**Энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**"МУСТАҚИЛЛИК 2015"**

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлари ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**

**Шунингдек, "Асака" банк миллий валютада 25 ҳамда хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**
**Мурожаат учун: «Асака» банк филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 225-44-03 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 224-00-16 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**"АСАКА" БАНК САРМОЯНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

Сизнинг омонатларингиз :
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

*Хизматлар лицензияланган*

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Бодом кўзни равшан қилади

**Бодом инсон организми учун зарур компонентларга бой. У витаминлар ва микроэлементлар манбаи ҳисобланади. Таркибида ёғ, оқсил, углевод, кальций, темир, фосфор, С витамини, бета каротин мавжуд. Инсон организмидаги модда алмашинувини яхшилайдиган, тиш, соч ва терининг соғлом фаолиятини таъминлайдиган В1, В2 витаминлари бор. Юракни ишемия касаллигидан ҳимоя қилади. Бодом мағзидан тайёрланган озиқа парҳезли таомдир. Ундан қанд касаллигини даволашда фойдаланилади.**



Ҳар куни бодом еган инсоннинг қон таркибида Е витамин миқдори ортиши ҳамда холестерин миқдорининг камайиши тадқиқотларда исботланган. Халқ табобатида ширин бодом мағзининг қанд билан аралаштирилгани дармонсизлик, нафас қисиши, бош айланиши ҳамда йўталга даводир. Аччиқ бодомнинг мусаллас билан аралашмаси эшакемини даволашда, асал билан аралаштирилгани эса тошма яраларини қуритишда асқотади. Бодомнинг сирка билан аралаштирилгани замбуруғли касалликларга қарши самарали воситадир. Бодом мойига қўшилган қариқиз ўсимлигининг илдизи дамламаси бошга суртилса, сочнинг тўкилиши анча камаяди.

Аччиқ бодом фақат дори. Ширин бодом эса яхши озиқдир. Аччиқ бодом жигар, буйрак ва талоқдаги тиқилмаларни очади. Агар унинг янгиси пўстлоғи билан ейилса, меъдани намликдан тозалайди. Шунингдек, аччиқ бодом ёғи буйракни ва қовуқни тозалайди, тошларни майдалайди. Айниқса, гулсафсар илдизи билан қўшиб ичилса, яхши фойда қилади. Қолаверса, бу мева кўзни равшан қилади.

БИЛАСИЗМИ?

- Япон халқининг севимли гули — камелия.
- Юмронқозиқ бир кеча-кундузда 76 метргача туннель қазиши мумкин.
- Мексика кактуслари ўзида 200 литргача сув сақлайди.

ТУРФА ОЛАМ

## Ҳайдовчисиз микроавтобус

**Нидерландияда "WEpod EZ-10" русумли ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган электр микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилади.**



Улар йўловчиларни умумий фойдаланиш йўлларида ташишга мўлжалланган. Автобуслар Вагенинген университети ҳамда Эде-Вагенинген халқаро станцияси оралиғидаги 11 километр масофада ҳаракатланиши мўлжалланмоқда. Олти ўриндиқли ушбу микроавтобус соатига 25 километр тезлик билан ҳаракатланади. Юриш захираси 100 километрни ташкил қилади. Микроавтобус камера, радар ва GPS-навигаторлар билан жиҳозланади. Бу умумий фойдаланиш йўлларида ҳайдовчисиз жамоат транспорти ҳаракатланиши билан боғлиқ мамлакатдаги илк лойиҳадир. Нидерландия ҳукумати келгусида "WEpod EZ-10" учун йўналишларни кенгайтиришни режалаштирган.

## "Ақлли" ликоп

**"Fitly" компаниясининг мутахассислари овқатланиш учун махсус ликоп ихтиро қилишди.**



Ликопнинг ўзига хослиги — у тановул қилинаётган озиқ-овқатнинг энергетик қувватини аниқлаб беради. "Ақлли" ликоп уч бўлма ва оғирлик ўлчовчи ҳисоблагичлардан иборат. Идиш бўлмасидаги қурилмалар овқат таркиби ва миқдорини аниқлагач, калорияни ҳисоблаб чиқиш учун маълумотларни "Wi Fi" ва "bluetooth" орқали "Iphone" ва "Android" смартфонлари учун тайёрланган махсус дастурларга узатади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ликопнинг ишлаш аниқлиги — 99 фоиз. У одамнинг парҳез қоидаларига риоя этишида асқотади.

**Моҳина АБРОРОВА тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 825, Адади — 5774. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Муҳтарама КОМИЛОВА
**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.50.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 5